



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСАЛЛАНИШИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОС- ХУСУСИЯТЛАР

Хаитов М.А.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Аннотация: *Ички ишлар органлари ходимлари орасида касбий саломатлик кейинги йилларда мутахассисларнинг кўпроқ эътиборини ўзига қаратаётган энг муҳим жараёнлардан бири бўлиб, ноқулай меҳнат шароити (зўриқишлар, ортиқча юкламалар, руҳий жароҳатловчи омиллар) ходимларнинг касбий деформациясини, касбга оид касалликларни, ҳатто касбни ўзгартириш ёки умуман касбий фаолиятини бошқа йўналишга ўзгартириш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Ички ишлар органлари ходимларининг саломатлиги маълум даражада уларга ташкил этилган тиббий хизматга, амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар ва реабилитация, санаторий-курортларда соғломлаштириш тадбирлари даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Қолаверса хизмат фаолиятларини бажариш вақтидаги визиятлар ҳамма вақтда ҳам уларнинг ўзларига боғлиқ ҳолда кечмагани сабабли, ҳаммиша ҳам рисоладагидек соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилишлари қийин кечади ва уларнинг маълум даражадаги саломатлик ҳолатлари уларга кўрсатилаётган малакали ва ихтисослаштирилган тиббий-профилактик хизматнинг даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ички ишлар органларида хизмат қилувчи ходимлар аксарият ҳолларда меъеридан ортиқ иш юкламаси ва фавқулотда ҳолат тизимида юридилар, бу ўз навбатида уларнинг саломатлигини, баъзида эса ҳаётини йўқотиш хавфи билан кечади. Руҳий жароҳат берувчи ҳолатлар биринчи галда ҳар хил даражадаги ижтимоий дезадаптацияга ва бу жараён ўз навбатида кўпгина касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлади.*

Калит сўзлар: *Ички ишлар, касалланиш, омиллар, асабий жароҳат, ортиқча зўриқиш, адаптация, шароит, меҳнат шароити, касбий фаолият, саломатлик.*

Аннотация: *Охрана здоровья сотрудников органов внутренних дел, которая в последние годы привлекает особое внимание специалистов, является одной из важнейших задач государства. Неблагоприятные условия труда (напряжение, перегрузки, психические травмирующие факторы) вызывают профессиональную деформацию работников, профессиональные заболевания, вплоть до смены профессии или смены профессиональной деятельности в другом направлении. Здоровье сотрудников органов внутренних дел, в определенной степени, зависит от оказываемого им медицинского обслуживания, уровня профилактических и реабилитационных мероприятий, санаторно-оздоровительной деятельности, так как условия труда, которые созданы при выполнении служебной*



деятельности, не всегда позволяют соблюдать здоровый образ жизни как требуется по уставу, поэтому их состояние здоровья во многом зависит так же от уровня квалифицированных и специализированных лечебно-профилактических услуг. В большинстве случаев сотрудники органов внутренних дел перегружены работой и находятся в условиях чрезвычайного положения, что, в свою очередь, подвергает их риску потери здоровья, а иногда и жизни. Психически травмирующие ситуации, в первую очередь, вызывают различные уровни социальной дезадаптации, а этот процесс, в свою очередь, вызывает развитие различных заболеваний.

Ключевые слова: органы внутренних дел, заболеваемость, факторы, нервная травма, перенапряжение, адаптация, условия, условия труда, профессиональная деятельность, здоровье.

Annotation: Health protection of employees of internal affairs bodies, which in recent years has attracted the particular attention of specialists, is one of the state's most important tasks. Unfavorable working conditions (tension, overload, traumatic mental factors) cause professional deformation of workers, occupational diseases, a change in profession or a professional activity shift in another direction. The health of employees of the internal affairs bodies, to a certain extent, depends on the medical care provided to them, the level of preventive and rehabilitation measures, sanatorium and health-improving activities, since the working conditions that are created during the performance of official activities do not always allow maintaining a healthy lifestyle as required by law. Charter, so their state of health largely depends on the level of qualified and specialized treatment and prevention services. In most cases, police officers are overworked and in a state of emergency, which, in turn, puts them at risk of loss of health and sometimes life. Mentally traumatic situations, first of all, cause various levels of social maladaptation, and this process, in turn, causes the development of multiple diseases.

Key words: internal affairs bodies, morbidity, factors, nervous trauma, overstrain, adaptation, conditions, working conditions, professional activity, health.

Тадқиқотнинг асосий мақсади

Ички ишлар органлари ходимлари орасида касалланишни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларнинг юзага келишидаги асосий сабабларнинг тиббий-ижтимоий жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган адабиётларни ўрганиб таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат.

Материаллар ва услублар

Дунё мамлакатларида, шунингдек Республикамизда кейинги йилларда ички ишлар органлари ходимлари орасида касалланиш ва унинг сабабларини, шунингдек, касалланишга таъсир қилувчи омилларни, даволаш-профилактик ва реабилитация ёрдамларининг тиббий-ижтимоий ва ташкилий жиҳатларига йўналтирилган адабиётлар ва бошқа статистик материаллар маълумот



сифатида олинди ва адабиётларни таҳлил қилишда асосан тафсиловчи усулдан кенг фойдаланилди.

Натижа ва муҳокама

Муаммонинг долзарблиги шундаки, жамиятда содир бўлаётган ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий инқирозлар, юқори даражадаги ходимларнинг алмашинуви, касбий деформация хавфи ҳолати, хизмат фаолияти давомидаги кунлик руҳий зўриқишлар, жамиятнинг ҳар хил соҳаларида содир бўлаётган ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан кундалик тўқнаш келишлар – ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ходимларнинг саломатлигига, айниқса уларнинг руҳий саломатлигига салбий таъсир қилиши муқаррар ҳолат саналади [1]. Ички ишлар органлари ходимлари орасида касбий саломатлик кейинги йилларда мутахассисларнинг эътиборини ўзига қаратаётган энг муҳим жараёнлардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса ноқулай меҳнат шароити (зўриқишлар, ортиқча юклар, руҳий жароҳатловчи омиллар) шахсда касбий деформацияни, касбга оид касалликларни, ҳатто касб ўзгартириш ёки умуман касбий фаолиятини бошқа йўналишга ўзгартириш ҳолатларини келтириб чиқармоқда [2]. Е.П.Миренкованинг (2019) [3] таъкидлашича, Россия жамиятдаги нобарқарорлик, мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар Ички ишлар органларида кадрлар тизимига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга уларнинг етарли даражада моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги ва ижтимоий ҳимояланмаганлиги уларнинг касбий зўриқишига олиб келди. Бу ўз навбатида Ички ишлар органлари тизимидан кўплаб малакали мутахассисларнинг кетишига ва ёш тажрибасиз тасоддиқий, етарли даражада касбий маҳоратга, ахлоқий-руҳий тайёргарликка эга бўлмаган ходимларнинг кўпайиши, аҳоли орасида Ички ишлар ходимларининг мавқеи ва обрўсининг кескин тушиб кетишига олиб келди. Муаллифнинг хулосасига кўра мамлакатда юзага келган ҳолатни инобатга олган ҳолда тезлик билан Россия Федерациясида узоқ муддатга мўлжалланган Ички ишлар тизимининг фаолиятини ривожлантириш ва уни такомиллаштиришга йўналтирилган махсус концепция ишлаб чиқиш ва унинг асосида янги услубий ёндашиш орқали давлат сиёсати даражасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш тавсия этилади.

Ички ишлар орагнлари ходимларининг саломатлиги маълум даражада уларга ташкил этилган тиббий хизматга, амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар ва реабилитация, санаторий-курорт соғломлаштириш тадбирлари даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Сидоренко В.А. ва бошқаларнинг (2018) [4] 2013-2017 йилларда амалга оширган илмий тадқиқот иши натижаларига қараганда, хизматга кираётган 70 000 та ходимларнинг 15%да ҳар хил сурункали касалликлар, жумладан 2,5 минг ходимда руҳий бузилишлар аниқланган. Энг ачинарлиси шундаки, 5 йил давомида ўрганилган ҳар 100 000 та шахсий таркибдан 2013 йилда -10та, 2014 йилда-9та, 2015 йилда 10та, 2016



йилда -9та ва 2017 йилда 6 кишида ўз жонига қасд қилиш, яъни суицид ҳолати аниқланган. Эътиборни яна ўзига тортадиган жиҳати шуки, жами ўрганилган 600 минг Ички ишлар хизматига ишга киришга давогарлардан 20,3% да (120 мингдан ортиғида) Ички ишлар тизимига ишга киришга қарши ҳолатлар яъни, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчилар, наркотик моддаларини истеъмол қилувчилар ва суицидал ҳолатга мойиллиги бор шахслар аниқланган. Кузатишлар олиб борилган беш йил давомида хизмат сафарига юборилган 200 минг ходим сафардан қайтгандан кейин уларнинг 26,7% амбулатор, стационар ва санаторияда соғломлаштириш тиббий профилактик ёрдамга мухтож бўлганликлари аниқланган. Муаллифнинг таъкидлашича, кейинги 5 йилда замонавий ва комплекс амалга оширилган даволаш-профилактик тиббий ёрдам кўрсатиш натижасида 60 мингга яқин Ички ишлар органлари ходимлари хизматга қайтарилган.

Россия Федерациясининг Башқартостан Республикасида Ички ишлар органлари ва уларнинг оила аъзоларига тиббий-профилактик ёрдам кўрсатадиган тиббий санитар қисми кейинги йилларда энг оҳирги замонавий ташхислаш, даволаш жиҳозлари билан таъминланганлиги ва беморларга малакали ва ихтисослаштирилган стационар даволаш-профилактик тиббий ёрдамларни кўрсатадиган бўлимларнинг янгидан очилиши боис Россия Федерациясидаги энг яхши ва намунали тиббий санитар қисимлардан (ТСҚ) бирига айланган ва даволаш-профилактик хизматларни ўз вақтида ва самарали кўрсатиш бўйича сезиларли муваффақиятларга эришилган. 2016 йилги ҳисобот натижаларига қараганда мазкур ТСҚда жами 15943 та ходим даволанган ва уларнинг 2454 (15,4%) стационар, 4297 (26,9%) амбулатор, 9192 та ходим (57,6%) тиббий кўриқдан ўтказилиб ташхислаш тадқиқотлари ўтказилган. Бу ТСҚ ида ўринларда беморларнинг ўртача ётиш кунларини 81,0% камайишига олиб келган [5].

Ички ишлар ходимлари хизмат фаолиятларини бажариш вақтидаги визиятлар ҳамма вақтда ҳам уларнинг ўзларига боғлиқ ҳолда кечмагани сабабли ҳаммиша ҳам рисоладагидек соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилишлари қийин кечади ва уларнинг маълум даражадаги саломатлик ҳолатлари улар учун ташкил этилган ва кўрсатилаётган малакали ва ихтисослаштирилган тиббий-профилактик хизматнинг даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. С.А.Мендель, Р.Т.Тоирова ва б.ларнинг (2019) илмий хулосаларига қараганда, Ички ишлар органлари ходимларига тиббий хизмат кўрсатувчи тиббий муассасаларнинг кўпайтирилиши (касалхона ўринлари, поликлиника қувватлари) билан врачларнинг хизмат кўрсатиш контингентларининг камайишига олиб келди, касалхона ўринларининг мутлоқ даражаси ошди, беморларнинг ўринларда ётиш кунлари қисқарди, поликлиникаларга қатновлар мутлоқ сони ошди ва натижада бирламчи касалланиш ва ногиронликка чиқиш ҳамда ўлим кўрсаткичлари камайганлиги



айтилади [6]. Россия Федерациясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ишчи ходимлари орасида кардиологик касалликларнинг кўрсаткичлари ўртача Россия кўрсаткичлари билан мос келади. Даволаш ишларини замон талаби даражасида ташкил этиш натижасида кардиологик беморларни даволаш кунларининг муддати 2007 йилда 14,4 кундан 2011 йилга келиб 13,3 кунгача қисқартирилган. Бу тиббиёт муассасаларининг зарур ташхислаш ва даволаш анжомлари билан етарли даражада таъминланганлиги, малакали мутахасислар билан тўлдирилганлиги натижасида Ички ишлар органлари ходимлари орасида кардиологик касалликлар билан касалланиш нисбатан камайганлиги қайд этилади [7]. Россия Федерациясида умумий аҳоли ва шунингдек Ички ишлар органлари ходимлари орасида эндокрин тизими касалликларининг даражаси ҳам сезиларли даражада юқори ва уларнинг етакчи даражасини 2-типдаги қандли диабет касаллиги эгаллаши таъкидланади. Шу боисдан Россия ИИБ Марказий клиникасининг терапия бўлими базасида 1977 йилда эндокринологик бўлим очилди ва бу бўлимга деярли Россиянинг барча жойларидан касаллар йўлланма билан келиб стационар даволанишлари ва мазкур касаллик билан касалланган беморларнинг малакали ихтисослашган тиббий хизматини тўлақонли олишларига имкон яратилди. Ушбу беморларнинг 74% ини 2-тип қандли диабет, 10% ини 1-тип қандли диабет, 6% ини семизлик, 1% ини Грейвса касаллиги ва 9 % ини бошқа ҳар хил эндокрин касалликлари эгаллаганлиги таъкидланади [8].

Ички ишлар органлари ходимлари орасида нисбатан энг кўп тарқалган касалликлардан бири бу артериал гипертония ҳисобланади ва уни келтириб чиқарувчи омиллар Н.Б.Амиров (2010) томонидан илмий таҳлил этилганда хавф омилларнинг қатор ўзига хосликлари аниқланган. Жами ўрганилган 783 та 20-59 ёшдаги Ички ишлар ходимларининг 55,04% - йўл патрул хизмати ва 44,96% - ўт ўчирувчилар ташкил этган. ЙПХ ходимларининг 50,6% - тамаки чекувчилар, 19,5% - олдин чеккан ва 29,9%- чекмасликларини айтсалар, ўт ўчирувчиларда ушбу кўрсаткич мос равишда 61,9%, 19,9%, 21,2% ларга тенг бўлиши аниқланган. ЙПХ ходимларининг 76,1% -ҳамиша йўл шароитларида очиқ ҳавода, катта трассаларда, 10% - доимий равишда қаттиқ асабий жароҳатлар билан ишлашларини қайд этсалар, ўт ўчирувчиларнинг 91,8% - ўт ўчириш билан, 6% - доимий касбий асабий жароҳатлар билан ишлашларини таъкидлаганлар. Ички ишлар ходимлари ичида гипертония касаллигининг асосий омилларидан бири ортиқча тана вазни бўлиб, бу кўрсаткич ўрганилганларнинг 53,8% да кузатилса, меъёридан ортиқ семизлик 39,3% ходимларда кузатилган. Муаллифнинг хулосасига қараганда ЙПХ ходимлари орасида гипертония билан касалланиш 23,9%, ўт ўчирувчиларда 38,6% ни ташкил этган [9]. О.В.Ермакованинг (2012) [10] илмий хулосаларига қараганда, Россияда Ички ишлар органлари ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси яхши. Аммо, ходимлар орасида қон томир касалликлари, периферик асаб тизими, бел қисми



умуртқалари касалликлари сезиларли даражада юқорилиги сақланиб қолмоқда. Муаллиф бунинг асосий сабабини хизмат фаолиятининг юқори жисмоний зўриқишлар билан кечиши, хавф омиллар юқори жойларда ишлаш, доимий равшда узоқ вақт совуқда қолиб кетиш, юқори даражадаги асабий ҳиссий ҳолатлар, зўриқишлар юқорилиги билан тушунтиради ва кўп ҳолларда ходимлар орасида бу ҳолат психосоматик касалликларнинг юзага келишига сабаб бўлаётганлигини қайд этади.

Ички ишлар органлари ходимларида юрак қон-томир тизими касалликлари хавф омилларининг 60-90 % одатдаги анъанавий омиллар ҳисобланиб, унинг тарқалиш даражаси артериал гипертония 39,3%, юракнинг ишемик касалликлари 18,8%, юрак ритмининг бузулиши 17,95% га тенг бўлганлигини муаллиф ходимларнинг мазкур синфга оид касалликлар ва уларнинг асосий сабаблари билан хабардор эмаслиги билан тушунтиради. Артериал гипертония билан хабардор қилинган 40,0% беморларда ҳаттоки доимий равишда кон босимлари ўлчаниб назорат қилиниб турсаларда уларнинг 9,7%игина қон босимдан дори воситаларини қабул қиладилар [11]. 2019 йилда бутун дунё мамлакатларида кенг доирада тарқалиб, 2020 йилда пандемия кўринишга эга бўлган “COVID-19” инфекциясининг тарқалишида ҳам Ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини ўташ жараёнида касалликни юқтириб олиш хавф гуруҳи қаторида бўлдилар [12].

Ички ишлар органлари ходимларининг иш фаолиятида кузатиладиган салбий касбий омиллар уларнинг эндокрин тизими органларига ҳам ўзининг салбий таъсирларини кўрсатади ва натижада уларда гармонал номувозанатликнинг юзага келишига, бу ўз навбатида адаптациялашиш жараёнининг издан чиқиш ҳолатига олиб келади. [13]. И.В.Гладинец ва б. (2017) [14] ларнинг илмий хулосаларига қараганда ҳарбий хизматга чақирилувчиларда бир йиллик хизмат муддатига ўтиш билан умумий касалланиш 1,2 маротабага, нафас йўллари касалликлари 1,75 маротабага ва ўткир респиратор касалликлари эса 2,2 маротабага ошганлиги қайд этилади. Ички ишлар ходимлари орасида кўз касалликларининг даражаси шуни кўрсатадики, конъюнктивит 53,1% билан вақтинча меҳнатга яроқсизлик кўрсаткичи бўйича биринчи ўринни, қопоқ касалликлари 21,1% билан иккинчи ўринни ва шоҳ парда касалликлари 8,6 % билан учунчи ўринни эгаллаб, кўз касалликлари ўзининг тарқалганлик даражаси билан вақтинча меҳнатга яроқсизликда умумий касалликлар ичида саккизинчи ўриндалиги аниқланган [15]. Ю.Б.Богдасаров ва б. ларнинг (2020) [16] илмий хулосалари шуни кўрсатадики, МЧС ва МВД ходимларида, Россия Федерацияси аҳолиси орасидаги умумий вақтинча меҳнатга яроқсизлик билан боғлиқ касалланишдан, руҳий бузилишлар бўйича вақтинча меҳнатга яроқсизлик касалланиш даражаси 8,5 маротаба кам, аммо, руҳий касалликлар билан вақтинча меҳнатга яроқсизлик ҳолатларида бирламчи касалланиш бўйича 2 баробарга кам. Гап шундаки, ушбу



касалликларнинг ҳар иккитадан бирининг асосий сабаби уларнинг меҳнат жараёнидаги асабий зўриқишлар бўлиб, агар ўз вақтида ташхислаш ва комплекс даволаш тадбирлари амалга оширилса уларнинг олдини олиш мумкин. А.Г.Соловьев ва б.ларнинг (2019) [17] хулосалари бўйича, Ички ишлар органлари ходимлари орасида руҳий касалликларнинг тарқалганлик даражаси, умумий Россия Федерацияси аҳолисининг орасида тарқалганлигидан 4,4 маротаба кам, аммо, ходимлар ичида руҳий бузилишлар 1,3 маротабага юқори эканлиги таъкидланади. Эътиборли жиҳати шундаки, Ички ишлар органлари ходимларида кузатилаётган руҳий бузилишларнинг ҳар $\frac{3}{4}$ си асабий зўриқишлар билан боғлиқ, агар ўз вақтида олди олинса ходимларни муддатидан олдин ишдан кетишининг олди олинади ва янги кадрларни тайёрлашга сарфланадиган маблағлар тежаб қолиниши қайд этилади.

Кўплаб муаллифлар ҳозирги замон ҳарбий ва Ички ишлар ораганлари ходимларининг кундалик фаолиятларини ҳаддан ташқари юқори даражадаги маълумотларнинг кўплиги, жисмоний зўриқишларнинг, руҳий-ҳиссий жараёнларнинг интенсивлигининг юқорилиги ва натижа ўлароқ бу ҳолатлар ходимларда адаптация механизмларини ортиқча эзилишига (эксплуатациясига) олиб келади. Бу ўз навбатида ходим учун руҳий жароҳат саналади ва организмда руҳий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Адаптациянинг бузилиши бугунги психиатриянинг энг долзарб муаммоларидан бири саналади ҳамда айрим ҳолларда ҳатто, суицид ҳолатларига ҳам сабаб бўлиши мумкин [18]. Ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан бири, бу Ички ишлар органлари ходимларининг саломатлигига йўналтирилган руҳий-ижтимоий дастур асосини ишлаб чиқиш ва уни ҳаракатга келтиришдан иборат ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга оширишда олтига вазифа, тўққизта йўналиш ва учта энг асосий муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир инсон ўзининг шахсий саломатлигини сақлаш ўзининг тўғридан-тўғри мажбурияти ҳисобланади ва уни атроф-муҳитга боғлаш керак эмас. Прогрессив ғоя шундан иборатки, ҳар ким ўз соғлиғи учун ўзи жавобгар, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш мумкин. Унинг жисмоний ва тиббий жиҳатларидан кўра ҳам ижтимоий-руҳий ва тарбиявий жиҳатлари муҳим саналади. Шунинг учун жамиятнинг энг асосий вазифаларидан бири, шахсни ҳар томонлама гармоник, ижтимоий-руҳий принципларга асосланган ҳолда тарбиялаш саналади [19]. Ички ишлар органларида хизмат қилувчи ходимлар аксарият ҳолларда меъёридан ортиқ юклама ва фавқулотда ҳолат тизимида юрадилар, бу ўз навбатида уларнинг саломатлигини, баъзида эса ҳаётини йўқотиш хавфи билан кечади. Руҳий жароҳат берувчи ҳолатлар биринчи галда ҳар хил даражадаги ижтимоий дезадаптацияга ва бу жараён ўз навбатида ҳар хил касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади. А.А.Береснев ва б.ларнинг (2011) [20] илмий изланиш натижаларига кўра, сафардан қайтган Ички ишлар ходимларининг 17,2%да асабий жароҳат натижасида стресс бузилиши кузатилган. Уларнинг



62,1%ида артериал қон босими, 14,6%ида яра касаллиги аниқланган. Муаллифнинг хулосасига кўра марказий асаб тизими гипертония касаллигининг юзага келишида муҳим рол ўйнайди. Ички ишлар ходимлари орасида нафас йўллари касалликлари ҳам энг кўп тарқалган касалликлардан ҳисобланади, бунинг асосий сабабларидан бири айниқса ЙПХ ходимлари аксарият ҳолларда очиқ ҳавода ишлашадилар ва боз устига уларнинг кўпчиликлари тамаки чекишлари билан қайд этилади. Россия Федерациясининг Казан шаҳрида ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда, 783 ўрганилган 20-59 ёшдаги ЙПХ ходимларидан 50,6%и тамаки чекувчилар, 19,5% олдин чеккан ва 29,9% тамаки чекмасликлари аниқланган [21,23]. Ички ишлар ходимларини соғломлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу мазкур соҳа курсантлари орасида соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш деб ҳисоблайди М.Б.Кузнецов (2020) [22]. Муаллифнинг таъкидлашича, Россия ИИБ ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилишда энг муҳим вазифалардан бири бу ҳали уларнинг курсантлик даврида соғлом ҳаёт тарзини тўғри олиб бориш, ходимларни касбий тайёрлаш ва уларнинг келгусидаги ҳаёт хавфсизлигини таъминловчи омиллардан бири саналади. Бунинг учун улар биринчи галда тўғри ва соғлом овқатланишлари, фаол жисмоний ҳаракатлар, чиниқиш, соғлом уйқу, тизимли дам олиш шароитлари билан тўлиқ таъминланган ва ҳар хил зарарли одатлардан ҳоли бўлишлари кераклигини алоҳида таъкидлайди.

Асаб касалликларининг тарқалиши борасидаги энг муҳим жиҳатларидан бири бу психовегетатив синдроми билан мижозларнинг кўплигидир. Бунинг асосий сабабларидан бири Ички ишлар ходимларининг доимий равишда психоэмоционал зўриқишда бўлишлари, ҳар хил фавқулотда ходисалар билан бевосита тўқнаш келишлари, бошқаларнинг хавфсизликлари учун жавобгарлик, ўз ҳаёти ва соғлиғига хавфнинг юқорилиги, шунингдек ҳозирги давр террористик хатти-ҳаракатларга қарши ҳарбий жараёнларда қатнашиш кабилар киради. Бунда энг кўп учрайдиган ҳолатлардан бири бу астения саналади. Астеник бузилишларнинг умумий тарқалганлик даражаси 10%дан 64%гачани ташкил этади [24]. Терроризмга қарши курашда ҳарбийлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар хизматчиларининг саломатлигини сақлаш ва уни муҳофаза қилиш давлат ва жамиятнинг энг устувор масалаларидан бири саналади. А.А.Архиповнинг (2005) [25] илмий хулосалари шуни кўрсатадики, Афғонистон уруш қатнашчиларининг 6,6%ида, Чечен операциялари иштирокчиларининг 19,1%ида ярадорлар қайд этилса, мина портлашидан ва ўқдан ярадорларнинг 40%и 30 ёшгача бўлганларда, 6%и 40 ва ундан катталарда кузатилган. Афғон уруши қатнашчиларининг 51,8%ида, Чечен уруши қатнашчиларининг ҳар учтадан биттасида сурункали касалликлар мавжудлиги аниқланган. Касалликлар ичида айниқса гипертония, остеохондроз, юракнинг ишемик касалликлари, яра касалликлари эгаллаган. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳар



иккала уруш ветеранларининг 9,3%-16,8% да психоорганик бузилишлар, 18,1-25,4%да психопатизация ва шахсиятида ўзгаришлар, 11,8-29,3%да сурункали алкоголизм, наркомания билан биргаликда, 3,9-35,1%да ижтимоий ва касбий дезадаптация, 6,0-22,2%да сексуал бузилишлар кузатилган.

Хуқуқ тарғибот органлари ходимларининг саломатлик даражасига энг асосий салбий таъсир этувчи омиллардан бири бу уларнинг меҳнат фаолиятлари давомида юзага келадиган ҳар хил стресс ҳолатлари саналади. Адабиётларда буларни бир нечта гуруҳларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади. Иш таркиби билан боғлиқ, ходимларнинг ўзаро муносабатларидаги ва хизмат жараёнидаги психологик стресслар, жароҳат етказувчи ҳолатлар, жароҳатдан кейинги стресс ҳолатлари, айниқса тунги навбатчиликдан кейинги жароҳат стресслар, ташкилий ва бошқа ҳар хил турдаги стресслар шулар жумласига киради. Муаллифнинг илмий хулосасига кўра, ҳозирги дунёда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолатлардан келиб чиқиб, Ички ишлар ходимларига салбий таъсир этувчи бу каби омилларнинг истиқболлини олдиндан айтиш бир-мунча мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун Ички ишлар ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини комплекс тиббий-ижтимоий жиҳатларини мукамал ўрганиш зарур ва юқорида қайд этилган стресс ҳолатларини олдиндан бартараф этиш чоралари илмий нуқтаи назардан ишлаб чиқилиши керак. Илмий хулосаларда шу ҳолатлар қайд этиладики, Ички ишлар ходимлари кўп ҳолатларда ҳар хил турдаги тажовузкорлар, одам ўлдиришлар, жиноятчилар билан юзма-юз келишлар, ўлик жасадлар билан тўқнаш келишлар, ўт ўчирувчилар ёнғинда қолиб вафот этганларни кўрганларида, шунингдек хизмат юзасидан ўзлари ижтимоий ҳимояланмаганларини ҳис қилганларида жуда қаттиқ руҳий зарбаларга дуч келадилар ва бу каби омиллар уларнинг организмида ўнлаб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сурункали касалликларнинг, жумладан руҳий бузилишларнинг юзага келишига сабаб бўлади, қолаверса, бу каби жараёнлар ходимлар орасида ҳатто ўз жонларига қасд қилиш ҳолатларига ҳам сабаб бўлаётганлиги адабиётларда келтирилади [26].

В.Л.Винокуровнинг (2004) [27] Россия Федерацияси Қора денгиз флотидаги контракт асосида хизмат қилувчилар орасида ўтказган илмий изланиш хулосаларига қараганда, хизматчиларнинг 52,6%и тамаки чекишларини, 89,7%и спиртли ичимликларни истеъмол қилишларини ва атиги 47.2%и ўзларининг яшаш шароитларини “қониқарли” деб баҳолаганлар. Уларнинг саломатликларига бу омиллардан ташқари яна уларнинг ёшлари, маълумотлари, ҳарбий денгиз муҳитида яшаш давомийлиги, яшаш шароитлари, жисмоний бериладиган юкламалар, хизматнинг умумий давомийлиги, стресс ҳолатлар, ҳаётига бўладиган хавф омиллари, жисмоний чиниққанлик даражаси, психоэмоционал ҳолатлар, овқатланиш сифати ва меҳнат жойларидаги санитария-гигиеник шароитлар эканлиги таъкидланади.



Хулосалар

1.Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, Ички ишлар органлари ўқув юртларига ва доимий хизматга ходимлар белгиланган тартиб асосида мукамал тиббий кўрик натижасида қабул қилинишларига қарамасдан, меҳнат фаолияти давомида мавжуд асабий ва жисмоний зўриқишларнинг юқорилиги, иш шароитининг кўп ҳолларда меъёрлаштирилмаганлиги, кечаси, кўп ҳолларда очиқ жойдарда ишлашлари, кун тартибига риоя қилмаслик, вақтида овқатланмасликлари боис, ходимлар орасида касалланиш даражаси юқорилиги сақланиб қолаётганлиги, айрим синф касалликларининг ўсиш анъанаси мавжудлиги аниқланди.

2. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, кўплаб илмий тадқиқот ишлари асосан чет элларда, анқроғи Россия Федерацияси ва унинг алоҳида худудларида амалга оширилган. Ўзбекистонда, хусусан илимий тадқиқотимиз ўтказилиши режалаштирилаётган Хоразм вилояти худудида фоалият кўрсатаётган Ички ишлар органлари ходимлари орасида касалланиш ва уни келтириб чиқарувчи омилларининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини ўрганиш бўйича илмий иш амалга оширилмаган.

3. Ўрганилиб таҳлил этилган адабиётларда келтирилган маълумот ва хулосалардан шу ҳолат маълум бўлдики, Ички ишлар органлари ходимлари меҳнат фаолияти нисбатан юқори даражадаги руҳий ва асабий зўриқишлар билан аксарият ҳолларда юқори ёки паст ҳароратларда очиқ ҳавода, ноқулай шароитларда, тунда кечиши боис улар орасида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ноэпидемик юрак қон-томир касалликлари, кўпроқ гипертония, нафас олиш, нисбатан ўткир респиратор касалликлар, асаб, руҳий ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари, жароҳатланишлар кўпроқ учраши адабиётларда келтирилган.

4.Юқорида қайд этилганларга асосланиб айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ғарбида жойлашган, экологик жиҳатдан нисбатан ноқулай вазият юзага келган Хоразм вилояти мисолида Ички ишлар органлари ходимлари орасида касалланишнинг тиббий-ижтимоий жиҳатларини алоҳида ўрганиш натижасида олинган маълумотлар ва илмий хулосалар, келгусида Ички ишлар ходимлари орасида касалликларни келтириб чиқарувчи омилларни ва касалланишни камайтиришда, қолаверса ходимларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кударь Кира Валерьевна Профессиональное здоровье сотрудников правоохранительных органов //Международный научный журнал “Верховенство право”, 2018.- №1.-С.165-171.

2.Никифоров Г.С. Психология здоровья. Спб.: Питер.2006. 607 с.



3. Миренкова Е.П. Проблема реализации социальной защиты сотрудников органов внутренних дел на современном этапе развития Российской Федерации//Молонй ученый,2019.-№41.-С.95-98.

4.Сидоренко В.А., Шутко Г.В.и др. Особенности организации и основные направления совершенствования медицинского обеспечения сотрудников внутренних дел Россиской Федерации// Медицина труд и промышленная экология, 2018.-№2.-С.1-6.

5. Файзулин Т.Р. и др. Организация и пути совершенствования оказания стационарной помощи сотрудникам МВД по Республики Башкортостан//Вестник современной клинической медицины, 2017, Том. 10, вып.4.-С.95-101.

6. Мендель С.А., Тоирова Р.Т. и др.Организация медицинской службқ МВД России в 2017г.// Проблемы социальной гигиены, здравоохранения и истории медицины, 2019.-№27(4).-С.479-481.

7.Ощепкова О.Б., Цибулькин Н.А. и др. Анализ деятельности отделения кардиологии клинического госпиталя МСЧ МВД пр РТ с2007 по2011г. //Вестник современной клинической медицины, 2012.-Том5. Приложение 1.-С.80-85.

8.Клқга В.Я., Лебедев В.В. др. Организация эндокрилогической помощи сотрудникам органов внутренних дел с описанием клинического наблюдения аутоиммунного полигландулярного синдрома 2 типа//Медицина труда и промышленная экология, 2018.-№2.- С.14-17.

9.Амиров Н.Б., Визель А.А. др. Распространненость артериальной гипертонии среди работников МВД и МЧС//Вестник современной клинической медицины, 2010.-Том 3. Приложение 1.-С.11.

10.Ермакова О.В. Динамика состояния здоровья сотрудников полиции, имеющих неврологическую патологию, за период с 2007 по 2011годы.

11.Шогенов А.А. и др. кардиоваскулярные заболевания среди сотрудников органов внутренних дел: частота, профессионаольная работаспособность// Вестник современной клинической медицины, 2016.-Том 9.вып.6-С.99-103.

12.Жерневой М.Г. и др. Особенности оказания первой помощи сотрудниками ОВД в условиях новой короновирусной инфекции (COVID-19)//Вестник экономической безопасности, 2020.-№6.-С.249-254.

13.Кубасов Р.В., Барачевский Ю.Е. и др. Гипофизарно-надпочечниковая и тиреоидная секреция у сотрудников МВД при различных уровнях профессиональной напряженности//Вестник РАМН, 2015.-№1.-С.101105.

14. Гладинец И.В.,Будуль Ю.И. и др. Заболеваемости военнослужащих по призыву во внутренних войск МВДи войсках национальной гврадии РФ//Инфекционные болезни: новости, мнения,обучение, 2017.-№6.-с.92-95.

15. Макогон С.И. Офтолмологическая заболеваемость в структуре временной нетрудоспособности среди сотрудников органов внутренних дел//Кубанский нуачно медицинский вестник, 2013.-№2.-С.77-79.



16. Богдасаров Ю.В., Ичитовкина Е.Г. и др. Общая и первичная заболеваемости психическими расстройствами лиц, наблюдающихся в медицинских учреждениях органов внутренних дел//Журнал неврологии и психиатрии им.С.С.Корсакова, 2020.-№6.-С.99-104.

17. Соловьев А.Г., Богдасаров Ю.В., Ичитовкина Е.Г. Структура и уровни заболеваемости психическими расстройствами сотрудников органов внутренних дел//Практическая медицина 2019.- том 17.-№3.-С. 3-12.

18. Погосов А.В., Шибяев П.В. Клинико-психопатологические и психологические особенности расстройств адаптации у сотрудников ОВД//Неврологический вестник, 2016.-Т.XLVIII, вып.2.-С 81-83.

19. Чернавский А.Ф. Психолого-педагогическая коррекция состояний. Психологические основы здоровья сотрудников правоохранительных органов//Психопедагогика в правоохранительных органах, 2010.-№1(40).-С.58-61.

20. Береснев А.А. и др. Проблемы реабилитации психики сотрудников органов внутренних дел// Вестник современной клинической медицины, 2011.-Том 4. Вып.4.-С.5-11.

21. Амиров А.А., Потапова Н.Б. Вклад различных факторов в развитие бронхообструктивного синдрома у сотрудников МВД и МЧС// Вестник современной клинической медицины, 2010.-Том 3, Приложение 1.-С.34-35.

22. Кузнецов М.Б. К вопросу о здоровом образе жизни курсантов и слушателей образовательных организаций МВД России//Наука, 2020.-№4.-С.61-66.

23. Крюков Е.В., Фисун Ф.Я. др. Факторы риска и системы кровообращения у военнослужащих в условиях арктического региона//Вестник Российской военно-медицинской академии, 2021.-Том 23.-№4.-С.85-91.

24. Булатова Г.Р. Психовегетативные нарушения у сотрудников правоохранительных органов и их коррекция/ Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата медицинских наук, Уфа, 2016, 20с.

25. Архипов А.А. Организационные аспекты лечебно-профилактической и медико-социальной помощи участникам боевых действий и контртеррористических операций/ Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата медицинских наук, Рязань, 2005, 26с.

26. Джон М.Виолант, Луэнда Э Чарльз и др. Полицейские стрессы и здоровье: современный обзор//Полицейская (POLICE)., 2017.-№40(4):С.642-656.

27. Винокуров В.Л. Социально-гигиенические аспекты состояния здоровья военнослужащих черноморского флота РФ, проходящих службу по контракту, и пути профилактики его нарушений//Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата медицинских наук, Курск, 2004.-24с.